

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING  
ХУСУСИЙЛАШТИРИШ, МОНОПОЛИЯДАН ЧИҚАРИШ ВА  
РАҚОБАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНING  
ҚАРОРИ

**256** Ўзбекистон Республикаси Мулкни баҳолаш миллий  
стандарти (9-сон МБМС) «Бизнес қийматини баҳо-  
лаш»га қўшимчалар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил  
1 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2026-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги ва 2015 йил 20 августдаги ЎРҚ-391-сон «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитасининг 2009 йил 6 октябрдаги 01/19-18/19-сон қарори (рўйхат рақами 2026, 2009 йил 28 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 44-сон, 475-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Мулкни баҳолаш миллий стандарти (9-сон МБМС) «Бизнес қийматини баҳолаш»га иловага мувофиқ қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Раис**

**Д. ХИДОЯТОВ**

Тошкент ш.,  
2016 йил 26 май,  
01/27-26/35-сон

**22 (730)-сон**

— 21 —

**256-257-моддалар**

Ўзбекистон Республикасининг  
Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш  
ва рақобатни ривожлантириш давлат  
қўмитасининг 2016 йил 26 майдаги  
01/27-26/35-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Мулкни баҳолаш миллий  
стандарти (9-сон МБМС) «Бизнес қийматини баҳолаш»га  
киритилаётган қўшимчалар**

1. 18-банднинг ўн учинчи хатбошиси «муҳри билан» деган сўзлардан кейин «(муҳр мавжуд бўлган тақдирда)» деган сўзлар билан тўлдирилсин.
2. 54-банд «шу ташкилот муҳри билан» деган сўзлардан кейин «(муҳр мавжуд бўлган тақдирда)» деган сўзлар билан тўлдирилсин.